

83 - الْحَامِسُ : عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّهُ عَزَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبْلَ نَجْدٍ، فَلَمَّا قَفَلَ

رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَفَلَ مَعَهُمْ، فَأَدْرَكْتَهُمُ الْقَائِلَةَ فِي وَادٍ كَثِيرِ الْعِضَاءِ، فَتَرَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَتَفَرَّقَ النَّاسُ يَسْتَظِلُّونَ بِالشَّجَرِ، وَتَرَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَحْتَ سَمْرَةٍ، فَعَلَّقَ بِهَا سَيْفَهُ، وَنَمْنَا تَوْمَةً، فَإِذَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدْعُونَا، وَإِذَا عِنْدَهُ أَعْرَابِيٌّ فَقَالَ: «إِنَّ هَذَا اخْتَرَطَ عَلَيَّ سَيْفِي وَأَنَا نَائِمٌ، فَاسْتَيْقِظْتُ وَهُوَ فِي يَدِي صَلْتًا، قَالَ: مَنْ يَمْنَعُكَ مِنِّي؟ قُلْتُ: اللَّهُ ثَلَاثًا» وَلَمْ يُعَاقِبْهُ وَجَلَسَ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 2910، م 843].

وَفِي رِوَايَةٍ: قَالَ جَابِرٌ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِذَاتِ الرَّفَاعِ، فَإِذَا أَتَيْنَا عَلَى شَجَرَةٍ ظَلِيلَةٍ تَكْنَاهَا لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَجَاءَ رَجُلٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ وَسَيْفُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُعَلَّقٌ بِالشَّجَرَةِ، فَاخْتَرَطَهُ فَقَالَ: تَخَافُنِي؟ قَالَ: «لَا» قَالَ: فَمَنْ يَمْنَعُكَ مِنِّي؟ قَالَ: «اللَّهُ» [خ 4136، م 843].

وَفِي رِوَايَةِ أَبِي بَكْرٍ الإِسْمَاعِيلِيِّ فِي «صَحِيحِهِ»، فَقَالَ: مَنْ يَمْنَعُكَ مِنِّي؟ قَالَ: «اللَّهُ» فَسَقَطَ السَّيْفُ مِنْ يَدِهِ، فَأَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ السَّيْفَ فَقَالَ: «مَنْ يَمْنَعُكَ مِنِّي؟» فَقَالَ: كُنْ خَيْرٌ آخِذٍ، فَقَالَ: «تَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّي رَسُولُ اللَّهِ؟» قَالَ: لَا، وَلَكِنِّي أَعَاهِدُكَ إِلَّا أَفَاتِلَكَ، وَلَا أَكُونُ مَعَ قَوْمٍ يُقَاتِلُونَكَ، فَحَلَى سَبِيلَهُ، فَأَتَى أَصْحَابَهُ فَقَالَ: جِئْتُكُمْ مِنْ عِنْدِ خَيْرِ النَّاسِ.

قَوْلُهُ: «قَفَلَ» أَي: رَجَعَ. وَ«الْعِضَاهُ» الشَّجَرُ الَّذِي لَهُ شَوْكٌ. وَ«السَّمْرَةُ» بِفَتْحِ السِّينِ وَضَمِّ الْمِيمِ:
الشَّجَرَةُ مِنَ الطَّلْحِ، وَهِيَ الْعِظَامُ مِنْ شَجَرِ الْعِضَاهِ. وَ«اخْتَرَطَ السَّيْفَ» أَي: سَلَّهُ وَهُوَ فِي يَدِهِ.
«صَلَتًا» أَي: مَسْئُولًا، وَهُوَ بِفَتْحِ الصَّادِ وَضَمِّهَا.

83. Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади.

«Бу киши Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга Нажд томонга ғазотга чиқдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ортга қайтганларида мен ҳам бирга қайтдим. Тиканли дарахтлар кўп бўлган водийдалигимизда туш пайти бўлди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам тушдилар. Одамлар дарахтлар тагида соялангани тарқалиб кетишди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бир самура (дарахти)нинг тагига тушдилар-да, қиличларини унга осиб қўйдилар. Бир оз ухладик. Бир маҳал Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизни чақириб қолдилар. Қарасак, олдиларида бир аъробий. У зот: **«Манави ухлаётганимда қиличимни чиқариб олибди. Уйғонсам, (қилич) бунинг қўлида яланғоч экан. У: «Сени мендан ким асрай олади?» деди. Мен уч марта: «Аллоҳ!» дедим»,** дедилар. У зот уни жазоламдилар. У ўтириб қолган эди».

Муттафақун алайҳ.

Бошқа бир ривоятда Жобир розияллоху анху айтдилар:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга Зотурриқоъда эдик. Бирор сояли дарахтга етиб келсак, уни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам учун қолдирардик. Шунда мушриклардан бир киши келибди. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг қиличлари эса дарахтга осилган экан. У уни суғуриб олибди ва: «Мендан қўрқяпсанми?» дебди. У зот: «Йўқ», дебдилар. У: «Сени мендан ким асрай олади?» дебди. У зот: «Аллоҳ!» дебдилар.

Абу Бакр Исмоилий ўз «Саҳиҳ»ида қуйидагича келтиради:

«У киши: «Сени мендан ким тўса олади?» деганида, у зот: **«Аллоҳ»,** дедилар. Шунда у кишининг қўлидан қиличи тушиб кетди. Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам қилични олиб: «**Сени мендан ким тўса олади?**» деганларида, у киши: «Яхши муомалада ушланг», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига, албатта мен Аллоҳнинг расули эканлигимга гувоҳлик берасанми?**» деганларида, у киши: «Йўқ! Лекин сен билан уришмасликка ва сен билан бирга урушувчи қавмлар билан бирга бўлмасликка аҳд бераман», деганида, у зот уни қўйиб юбордилар. У шериклари ҳузурига келиб, «Одамларнинг энг яхшиси ҳузуридан келяпман», деди».

Шарҳ: Нажд араб юртларидан бирининг номи бўлиб, Тухама билан Ироқнинг орасида жойлашган. ҳозирда Саудия Арабистони ҳудудига қарашли бўлиб, ўша вақтларда наждликлар саҳровий бўлишган. Қилич кўтарган кишининг исми Ғаврас ибн Ҳорис бўлган. Бу ҳодиса Аллоҳ Пайғамбаримизни одамлардан асрашини ваъда қилганидан кейин содир бўлган. Аввал Аллоҳнинг ушбу ваъдасига биноан у зотни бирор киши қўриқламас эди. Мана бу «**Аллоҳ сизни одамлардан (уларнинг зараридан) сақлагай**» (Моида сураси, 67-оят) нозил бўлгунича одамлар у зотни қўриқлаб юришар эди. Бу ҳадисдан яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўзлари ухласа ҳам қалблари ухламаслиги ҳақиқат экани тушунилади.

Бу ҳадисдан яна тушликдаги қайлула уйқуси маҳбуб экани чиқади. Чунки ҳадисда: «Қайлула қилинглар, чунки шайтон қайлула қилмайди», деб айтилган. Имом Табаронийнинг «Авсат»даги ривояти.

Бу ҳадисдан яна яхшилик қилинса, у йўқ бўлиб кетмаслигига далилдир. Чунки Ғаврас ибн Ҳорис қавмига бориб: «Одамларнинг энг яхшиси ҳузуридан келяпман», деди.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI

